

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Бугун – Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи қабул қилинган кун

МУҚАДДАС ТИМСОЛ



Халқимизнинг буюк давлат барпо этиш ғояси, салоҳияти ва умуминсоний қадриятларга содиқлиги, энг аввало, давлат рамзлари ва тимсолларида ўзифодасини тогган. Одамлар давлат тимсоллари учун жонларини ҳам фидо этган. Жангу жадалларда байроқнинг қулаши ёки душман қўлига ўтиши мағлубият билан баробар бўлган.

Бунга тарихимиздан жуда кўп мисоллар келтириш мумкин. Масалан, 1221 йилнинг қузида мўғул босқинчилари Хоразм пойтахти Гурганжга ёпирилиб кирганида Шайх Насриддин Кубро тенгсиз курашда кўксини душман найзасига қалқон қилиб, юрт озодлиги йўлида ҳалок бўлади. Айтишларича, Шайх ўлими олдида мўғул яловбардоридан байроғини тортиб олиб, ерга қулайди. Мўғуллар Шайхнинг жонсиз қўлидан байроқларини тортиб

Давлатчилигимиз тарихининг қайси даврига назар солмайлик, давлат рамзлари Ватан тимсоллари сифатида ҳамisha азиз ва муқаддас бўлган. Ҳамма замонда ҳам

булар шунчаки, давлат сиёсатини амалга ошириш воситасигина бўлиб қолмай, аксинча, катта ижтимоий-маънавий аҳамият ҳам касб этади.



ололмай, унинг панжаларини кесишга мажбур бўлганлар.

Соҳибқирон Амир Темур даврида ҳам давлат байроғи катта ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий аҳамиятга эга бўлган. Жангу жадалларда байроқни Амир Темурнинг энг ишонган баҳодир сипоҳийлари қўриқлаган. Темур тузуқларида таъкидланишича, душманга қарши шижоат ва

мардлик кўрсатиб, галаба қозонган амир ва сипоҳийлар давлат тимсоллари – туғ ва ноғора билан муқофотланган. Бу – Соҳибқирон салтанатида давлат рамзлари нечоғли баланд турганлигидан далолат беради. Ҳўш, бугунги кунда мустақил давлатимиз рамзлари, хусусан, миллат гурури бўлган байроғимизга муносабат қандай?

Келахати буюк давлати-

мизнинг 1991 йилнинг 18 ноябрида қабул қилинган байроғида халқимизнинг хоҳиш-иродаси, ақл-салоҳияти, асрлар мобайнида топталган гурурини қайта тиклаш кайфияти акс этган. Янги чиқиб келаётган ярим Ой, 12 юлдуз, мовий, оқ, яшил ранглар ҳамда қизил хошия халқимиз гурури ва келажакка бўлган ишончининг мужассам ифодаси ҳисобланади. Мамлакатимиз

миқёсида ўтказила бошлаган ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий тадбирлар Давлат байроғини тантанали суръатда қўтариш, мадҳиямизни қўйлаш билан очиладиган бўлди. 1992 йилнинг 2 мартда БМТга аъзо мамлакатлар сафида Ўзбекистон байроғининг ҳилпираши миллий гуруримизга гурур қўшди.

(Давоми 2-бетда.)

Вилоят сессиясида муҳокама қилинган мавзу

Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг Ёшлар сиёсати ва соғлом авлод масалалари бўйича доимий комиссиясининг иш режаси, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекси, "Таълим тўғрисида", "Вояга етмаганлар ҳуқуқбузарлиги ва назоратсизлиги профилактикаси тўғрисида" ҳамда "Қадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида"ги қонунлари асосида доимий комиссия аъзолари вилоят ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқувчиларининг дарсга қатнашиши, вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчилик ҳамда эрта никоҳларнинг олдини олиш юзасидан амалга оширилган ишларни ўрганишиди.

ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ВА КЕЛАЖАК

Қатор давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда Чирчиқ шаҳри, Бўқа, Зангиота, Оҳангарон, Оққўрғон, Пискент, Чиноз, Кибрай, Куйи Чирчиқ ва Янгийўл туманларида ўтказилган ўрганишлар натижаси шунини кўрсатдики, вилоятдаги 122 та касб-хунар коллежи ва 7 та академик лицейда таълим-тарбия олаётган 116 минг 65 ўқувчи ўртасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, шу йилнинг тўққиз ойида 318 марта ота-оналар ва 188 марта оталар йиғилиши ўтказилди. Вилоят прокуратураси, ички ишлар бошқармаси ҳамда маҳалла фуқаролар йиғинлари ходимлари билан ҳамкорликдаги тадбирлар натижасида мунтазам дарсга қатнашмаётган 405, чет элга чиқиб кетган 80 ўқувчи таълимга қайтарилган.

Ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликка мойил вояга етмаган 12 бола, фарзанд тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи бир ота-она ҳисобга олинди, улар билан профилактик

тадбирлар олиб борилмоқда. Шунингдек, фарзанд тарбияси билан шуғулланмаётган 29 ота-она жавобгарликка тортилди. Икки мартадан "Ўсмир" ва "Давомат" махсус профилактик тадбирлари ўтказилиб, "Гийҳвандлик аср вабоси" мавзусида 190, эрта турмуш қуриш ва бошқа мавзуларда 210 марта вояга етмаганлар билан учрашувлар ўтказилди.

Ички ишлар бошқармаси аниқлаган жиноятларда 35 ўқувчининг иштирок этгани таъкидланиб, уларнинг ота-оналари, гуруҳ раҳбарлари, руҳшўнослар, маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарларига интизомий чоралар қўлланилди.

Аммо, вояга етмаганларнинг дарсга қатнашиши, улар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчилик ҳамда эрта никоҳнинг олдини олиш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилган бўлсада, қатор камчиликлар ҳам кўзга ташланади.

(Давоми 2-бетда.)

Қонун ҳимоясида

ТАРАҚҚИЁТНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар асоси демократик ҳуқуқий давлатнинг муҳим тамойилларидан бири бўлган қонун устуворлигидир. Ҳуқуқ устуворлигини

Ҳақиқатда ижтимоий адолатнинг қарор топиши, инсоннинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимояси кўп жиҳатдан қонунлар ижросига боғлиқ. Бу прокуратура органлари алоҳида масъулият оқлайди. Зеро, Конституциямиз ва "Прокуратура тўғрисида"ги Қонунда мамлакатимиз ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилишини прокуратура органлари назорат қилиб бориши белгиланган.

Шунга кўра муҳтарам Пре-

зидентимизнинг 2014 йил 24 июлдаги "Қонунчилик ижросини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони билан прокуратура органлари зиммасига давлат органлари ҳуқуқий ҳужжатларининг амалдаги қонунчилик талабларига мувофиқлиги устидан назорат самарадорлигини ошириш, мансабдор шахсларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни сўзсиз ижро этиш борасидаги масъули-

ятини кучайтириш каби муҳим вазифалар оқлатилди.

Ушбу вазифаларга мувофиқ, вилоят прокуратураси органлари вилоятдаги давлат бошқаруви, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари, маҳаллий ижро ҳокимияти идоралари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхона, муассаса, ташкилот ва бошқа мансабдор шахслар қабул

(Давоми 2-бетда.)

Бу ҳақда вилоят ҳокимлик соатларида гапирилган эди

Ёмғир шаррос ёғатган кунларнинг бирида телефон жиринглади:

– Алло, "Тошкент ҳақиқати" газетасими? Узр, **Олмалиқ шахридан безовта қилаяпмиз. Биз яшаётган "Бўстон" маҳалласидаги 5-ўйда бир қанча муаммолар йиғилиб қолди. Бола-чақанинг соғлигини ўйлаб, ширкатга, шахар ҳокимлигига мурожаат қилавериб чарчадик...**

Овозидан кекса ёшдаги сезилиб турган ота-хонга расмийчилик қилгани келмай, эртасигаёқ Олмалиққа йўл олди. 5-ўй шундоққина пахтазор этагиде экан. Кўп қаватли уйлар оралиб борар эканмиз, болалар майдончасида (уни майдонча дейишга тил бормайди) ёмғирдан сўнг йиғилиб қолган кўлмакда ўйнаб юрган кичкинтойларни кўриб, отахон куюнганича бор экангига ишонч ҳосил қилди.

Шу пайт 2-3 отахон-онахонлар пайдо бўлиб, кимлигимизни билгач, тахириятга телефон

қилганлар ҳам топилди. Дардлари тўлиб-тошиб турган эканми, басмабас гапира кетишди:

– Мен, Омонова Лобар 5-ўйнинг 62-хонадониди. 2011 йилдан бери яшайман. 3 йил бўлдики, иссиқлик тизими ишламайди. Натижада уйларимизни могор босиб кетди. "Очик мулоқот" телекўрсатувида ҳам тилга олинди. Натижа ҳамон йўқ.

– 5-қаватдаги 70-хонадон эгасининг 180 минг сўм қарзини тўлаб, 2013 йил декабрь ойида кўчиб кирганман, – деди Гулноза Умирова. – Кечаги ёмғирдан сўнг чакка

8 декабрь – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун

ҲУҚУҚИНИ БИЛГАН АДАШМАЙДИ

Фуқаролар Конституция ва қонунларга риоя этишга, бошқа кишиларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилишга мажбурдирлар.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 48-модда.

Фуқароларнинг ўз ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини билиши, бурчларига қатъий риоя этиши жамиятда қонун устуворлигини таъминлашга, адолат ва ижтимоий барқарорлиқнинг қарор топишига хизмат қилади.

Президентимиз Ислам Каримов таъкидлаганидек, жамиятнинг демократия йўлидан жадал ривожланиши ва бу борада амалга оширилаётган ислохотларнинг муваффақияти кўп жиҳатдан одамларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти даражасига боғлиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, давлат органлари, жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқий тарғибот ва маърифат соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш борасида самарали ишлар амалга оширилмоқда.

– Мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимояси, манфаатлари муҳофазасини таъминлашнинг самарали механизми шакллантирилган, – дейди Адлия вазирлиги ҳуқуқий тарғибот ва ҳуқуқий таълим бошқармаси бошлиғи Алихон Очилов. – Соҳага оид миллий қонунчилик асослари мазмун-моҳиятини аҳолининг барча қатламга етказишда давлат ва жамоат ташкилотларининг узвий фаолияти йўлга қўйилган.

Аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга қаратилган изчил ишлар амалга оширилаётгани натижада юрдошларимизнинг нафақат ҳуқуқий, балки сиёсий маданияти ҳам юксалиб бормоқда. Фуқароларимизнинг жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок этаётгани, ҳар бир шахсда фаол фуқаролик позицияси ҳамда амалга оширилаётган ислохотларга дахлдорлик туйғуси кучайиб бораётгани бунинг ёрқин ифодасидир.

Ёш авлодининг ҳуқуқий билимини юксалтиришда ҳуқуқий адабиётлар муҳим аҳамиятга эга. Ўтган давр мобайнида шу йўналишда кўплаб дарслик, қўлланма ва оммабоп адабиётлар яратилган. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ва жамоат бирлашмалари томонидан ҳамкорликда ҳуқуқий тарғибот тадбирлари мунтазам ўтказилмоқда. Аҳоли жамият раванқига раҳна солувчи ҳолатлардан, хусусан, коррупция, турли бюрократик тўсиқлардан огоҳ этиб келинмоқда. Айнан шу мақсадда жорий йилнинг ўтган даврида эллик мингга яқин тарғибот тадбири ўтказилди.

Ҳуқуқий тарғибот ва маърифат бўйича давлат органлари ишлари-

ни мувофиқлаштириш бўйича идораларо кенгаш фаолияти янада такомиллашди. Ҳуқуқий тарғибот ишларини амалга оширишда оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан самарали ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Замон талабидан келиб чиқиб, ҳуқуқий ахборотни интернет тармоғи орқали етказиб бериш амалиёти янада ривожлантирилди. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотларининг миллий базаси – LexUZ орқали аҳолини ҳуқуқий ахборот билан таъминлаш қўлами кенгайтирилди. Ўзбек ва рус тилларидаги 35 мингдан зиёд ҳужжат жамланган ушбу тизимдан ҳар куни минглаб юридик ва жисмоний шахслар бепул фойдаланимда. Давлат бошқаруви органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ҳамда жамоат бирлашмаларининг интернетдаги сайтлари орқали ҳам ҳуқуқий ахборот ва маълумотлар етказиш амалиёти йўлга қўйилган бу борадаги фаолиятни сифат жиҳатдан яхшилаш, аҳолининг кенгроқ қатламлари қамраб олиш имконини бераётди.

Ушбу йўналишда амалга оширилаётган ишлар натижалари, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини билиш мақсадида таълим муассасалари, тадбиркорлар, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари ўртасида ижтимоий сўровлар ўтказиб боришмоқда. Тахлиллар аҳолининг 95 фоизи ҳар доим қонунга риоя қилиш керак, деган фикрда эканини кўрсатган бўлса, 87 фоизи Конституцияда мустаҳкамлаб қўйилган ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини билишини қайд этган. 85 фоиз ёшлар ўз ҳуқуқлари бузилган тақдирда уни тиклашга эришиш мумкинлигига ишонини билдирган.

Аҳоли, айниқса, ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини мустаҳкамлашга қаратилган чора-тадбирлар изчил давом эттирилмоқда. Бу ҳар бир шахснинг қонунлар асосида қафолатланган ҳуқуқларидан амалда фойдалана олиши, энг муҳими, ҳуқуқлари бузилишининг олдини олишда қўл келмоқда. Зотан, ҳуқуқини билган, ён-атрофда бўлаётган воқеа-ҳодисаларга нисбатан ўз нуқтаи назарига эга кишини ҳеч ким тўғри йўлдан адаштира олмайди. Ёш авлодни ана шундай руҳда тарбиялаш мақсадида "ойла – маҳалла – таълим муассасаси" ҳамкорлиги асосида ҳуқуқий тарғибот тадбирлари қўлами янада кенгайтирилмоқда.

Н. АБДУРАИМОВА,
ЎЗА мухбири.

ЭСКИ ҲАММОН, ЭСКИ ТОС

ўтиб, деворларни зах ва могор босди.


Хуллас, ўндан ортиқ хонадонга кириб, шу нарсанинг гувоҳи бўлдики, деворлар могор босиб, тўқилмоқда, уна шува бўлади, на беркитиб. Чунки таъмирлангандан кейин ҳам захлик сабабли яна могор босмоқда.

2014 йил 23 декабрдан 2015 йил январгача уйни иситиш учун газ ёқилганда 122 минг сўм, электр энергиясидан фойдаланилганда 100 минг сўм пул сарф қилинган. Агар қозонхона ишлаганда, газдан камиди 80 минг сўм, электрдан 30-40 минг сўм тежалган бўлар эди. Газ ва электр исрофгарчилигидан ташқари, улардан ноўрин фойдаланиш тўғрисида юзага келиши мумкин бўлган

бахтсиз ҳодисаларчи?

5-ўйнинг 3-йўлидаги электр қутининг эшиклари ланг очик. Бу ҳам етмаганидек, чинни сақлагич ўрни қалин алюмин сим билан ўраб қўйилганига нима дейсиз?! Бундан шахар ёнган хавфсизлиги бўлими мутахассислари хабардорми?

Ертўлаларга тушиб, бирорта чироқ кўрмадик. Баъзилари курук, баъзиларида эса, турли ахлат ва баклашқалар сувда сузиб юрибди. Уй ёнида Пискент тумани "Жуманова ва Комила" фермер хўжалиги экин майдонлари бўлиб, сугориш мавсумида сувни очиб қўйишди-ю, у ёғи билан ишлари йўқ. Ариқлар тўлиб-тошиб, болалар ўйнайдиган ва футбол майдонлари, қолаверса,



уй атрофида қўлмақлар пайдо бўлади.

Сухбатимизга яна бир аёл қўшилди. 2005 йилдан бери шу аёл раислик қилаётган "Мўйноқ Орол" ширкати 3-, 3^а-, 5-, 5^а- ва 6-йўларга хизмат кўрсатар экан.

– Ҳақиқатан ҳам 5-ўй

иссиқлик тизимига уланмаган, – деди ширкат раиси Мухтарова Исоқова. – Қолган уйлар умумий қозонхонага уланган. 5-ўйни ҳам 1 декабрда қўлашга ҳаракат қилаяпмиз.

(Давоми 2-бетда.)

Давлат байроғининг ҳуқуқий асоси 1991 йил 18 ноябрда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида"ги Қонун билан мустақамланган. Бу қонунда байроғимизнинг шакл-шамойили, фойдаланиш йўл-йўриқлари аниқ кўрсатиб берилган. Ўзини шу Ватан фарзанди деб ҳисоблаган ҳар бир фуқаро энг аввало, бебаҳо ижтимоий-сиёсий қадриятларимиз бўлган давлат рамзларини билиши, ҳурмат қилиши шарт.

Давлат рамзларига муносабатимизни давлат рамзлари тўғрисидаги қонунларни ўрганишдан бошлашимиз керак. Болалар боғчалари, умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицейлар, касб-хунаро коллежлари, олий таълим муассасаларида бу борадаги аҳвол бир қадар яхши. Аммо айрим ишлаб чиқариш корхоналари, ташкилот ва муассасаларда Давлат рамзларини ўрнатил, жиҳозлаш масалаларида эътиборсизликка йўл қўйилаётганига гувоҳ бўламиз.

Умумлаштириб айтиладиган бўлса, айрим раҳбар ходимларнинг хизмат хоналарида Давлат байроғи дастасига ўралиб, деворча сунб қўйилмоқда. "Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида"ги Қонунга биноан эса, махсус мослама-тағлиқда тик ҳолда, раҳбарнинг чап томонида ўрнатилиши лозим. Байроқларни ишлаб чиқараётган корхоналар қонунда белгиланган расмий ўлчов – меъёрга амал қилмаётти. Давлат байроғининг узунлиги 2 м. 50 см., эни 1 м. 25 см. қилиб белгиланган. Агар байроқ бундан катта ёки кичик бўлсамда чиқарилмоқчи

(Давоми. Боши 1-бетда).

бўлса, ана шу нисбат, яъни бўйи энидан икки марта узун бўлиши қоида қатъий сақланиши лозим. Баъзи таълим муассасаларида байроқ ўқув ёки мажлислар залининг сахна девори бўйи узунлигида (эни – калта, бўйи – жуда узун) миҳлаб қўйилапти.

Кўпгина меҳмонхона ва

ликлар бор. Айниқса, 12 юлдузи: "12 вилоятни англатади", деб талқин қилиш кўп учрайди. Ҳолбуки, Қонунда юлдузларнинг бундай маъноси борлиги қайд этилмаган. Чунки Ўзбекистонимизда 14 та маъмурий-ҳудудий бирлик (субъект) мавжуд, яъни 12 та вилоятдан ташқари,

МУҚАДДАС ТИМСОЛ



маъмурий идоралар олдида, ҳовлисида, умуман, очик майдонларда давлат байроғи нотўғри ўрнатилмоқда. Масалан, бир неча давлат байроқлари ўрнатилганда, ўртада Ўзбекистон Республикаси байроғи, қолган икки томондан бошқа давлатларнинг байроқлари ўрин олаётти. Бу қонун талабларига мувофиқ бўлиши шарт. Қонунда ўнг томонда алоҳида Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи, чап томондан қолган давлатларнинг байроқлари ўзбек алифбоси асосида, тенг баландликда ўрнатилиши қатъий белгиланган.

Давлат байроғидаги элемент ва белгиларнинг рамзий таснифи нотўғри талқин қилинмоқда. Масалан, 12 юлдузнинг рамзий таснифи масаласида баъзи чалкашлик ва тушунмовчи-

Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳри ҳам бор.

Баъзи маъмурий ва маданий биноларнинг кириш қисми, яъни пештоқларида Давлат байроғи нотўғри, керагидан ортиқ эгилган ҳолда ўрнатилмоқда. Бу ҳудуд мотам маросимидаги байроқларни эслатади. Аслида, қонунда байроқнинг дастасини бинонинг олд томонида нисбатан кўпи билан 45 даражали бурчак ҳосил қиладиган ҳолда ўрнатиш белгиланган.

Айрим таълим муассасалари синфхона ва аудиторияларида Давлат байроғи ўқувчи ва талаба-ёшларнинг орқа томонида қилиб кетаяпти. Ҳолбуки, Давлат байроғи ҳар доим олд томонда бўлиши лозим. Бинолар тепасига ўрнатилган Давлат байроғи

баъзида Қуёш нури, чанг-тўзон, ёгин-сочин таъсирида униқиб, ранги ўчиб, эскириб қолаяпти. Бундай байроқларни вақти-вақти билан янгилаб туриш лозим.

Мамлакатимизнинг катта магистрал йўллари ёқаларидаги симёғочларга Давлат байроғини белбоғ қилиб чизили амалда уни қадрсизлантиради. Айрим умумтаълим мактаблари парталарида байроқнинг акс эттирилиши, ўртасига давлат гербини хунук қилиб ёпиштириш ҳолларига чек қўйиш керак.

Давлат байроғини нашрларда тасвирлаш, ҳатто, уни ишлаб чиқаришда баъзан ранглар ўзгариб, ҳар хил бўлиб кетаяпти. Чунки яшил, қизил, оқ ва кўк рангнинг очи, тўқи, яъни ҳар хили бор. Ҳолбуки, давлат байроғи ранглари ҳамма жойда бир хил бўлиши шарт. Чунки қонунда ҳар доим қабул қилинган рангли-схематик тасвирга қатъий амал қилиш лозимлиги белгиланган қўйилган.

Юқоридаги далиллар билан корхона, ташкилот, муассаса раҳбарларини айбламоқчи эмасмиз. Аксинча, мақсадимиз – эзгу. Биз маърифатли жамият барпо этишга жидду жаҳд қилганимиз. Бу йўлда давлат рамзларига муносабатимизни ҳам юксак даражага кўтариш талаб этилади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи қабул қилинган кун – 18 ноябрь мамлакатда кенг миқёсда, яъни амалда барча муассаса ва корхоналарда нишонланиши зарур.

Султонмурод ОЛИМ, вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти профессори в. б.

Қонун ҳимоясида

ТАРАҚҚИЁТНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

қилган ҳуқуқий ҳужжатларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига мувофиқлигини тизимли равишда ўрганиб бормоқда. Бу соҳада прокурор назоратини ташкил этишда асосий эътибор қонунийликни таъминлаш, қонунбузилиши ва унинг туб сабабларини аниқлаш, келгусида содир этилишининг олдини олиш, давлат ва ҳўжалик бошқаруви, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органларининг ноқонуний ҳужжатларни қабул қилишига йўл қўймасликка қаратилмоқда.

Ҳуқуқий ҳужжатларни ўрганиш натижаси бўйича ноқонуний ҳужжатларга ва уни қабул қилган мансабдор шахсларга нисбатан қатъий прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилиб, фуқаролар ва тадбиркорларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш чоралари қўрилмоқда. Шу билан бирга, протест келтириш йўли билан қонунга зид бўлган ҳуқуқий ҳужжат ҳамда ноқонуний қарорларнинг бекор қилиниши (Давоми. Боши 1-бетда).

Дикқат, танлов!

«ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ЖУРНАЛИСТ НИГОҲИДА»

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликлари қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, амалга ошириладиган демократик, социал-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий ислохотларни янада чуқурлаштириш жараёнида босма оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини ташкил этиш, журналистларнинг жамиятдаги фаоллигини ошириш ҳамда уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида "Инсон ҳуқуқлари журналист нигоҳида" мавзусида ижодий танловни эълон қилади.

Танлов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди қўмағида ўтказилади.

Танлов шартлари
Танловга 2015 йилнинг 1 январидан 2015 йилнинг 1 декабригача

линиши ёки уларнинг қонун талабларига мослаштирилишига эришилмоқда.

Ўтган қисқа даврда ушбу органларнинг 109 минг 200 та ҳужжатларини қонунийлиги ўрганилиб, қонунга зид равишда қабул қилинган 938 та ҳужжатга нисбатан протест келтирилди ва қонунга мослаштирилди. Жумладан, ички ишлар органларининг 413 та, ҳокимларнинг 259 та, соғлиқни сақлаш идораларининг 64 та, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг 22 та, давлат солиқ органларининг 97 та, молия идораларининг 9 та ноқонуний ҳужжатлари прокурорлар протестлари асосида бекор қилинди. Чунончи, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекснинг 36-моддасида назарда тутилган жавобгарликка тортиш муддатлари ўтган бўлсада, Бўка туман ИИБ паспорт бўлинмаси фуқаро Р. Баратовга нисбатан маъмурий жарима қўлаган. Мазкур 1234567-сонли маъмурий баённома ва қарорга нисбатан вилоят

прокуратураси томонидан протест келтирилиб, бекор қилиниши таъминланди.

Шунингдек, аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш бўйича 257 та тақдимнома киритилиб, 344 шахс интизомий, 33 шахс маъмурий жавобгарликка тортилди, 127 шахснинг бузилган ҳуқуқлари тикланди. Хусусан, вилоят солиқ бошқармаси "Маман Уллубек" хусусий корхонасида ўтказган текшириш натижасига кўра, асосиз равишда ҳисобланган 11 млн. 311 минг сўм қўшимча солиқ қўллаш ҳақидаги қарор бекор қилинди ва бошқарманинг масъул ходимлари интизомий жавобгарликка тортилди.

Ўрганишлар давлат органлари мансабдор шахсларининг идоравий ҳужжат ижодкорлиги ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни сўзсиз ижро этиш бораидаги масъулиятини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналишларидан бири фуқароларнинг ҳуқуқий

онгини юксалтириш, фаолиятга ошқоралик бериш ва шу мақсадда қонунларни тарғиб қилишдир. Шундан келиб чиққан ҳолда, 2015 йилнинг ўтган даврида прокуратура органлари аҳолига қонунларнинг мазмун-моҳиятини тушунириш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида кўплаб тадбирлар ўтказди. Оммавий ахборот воситалари орқали кўплаб чиқишлар қилинди.

Хулоса қилиб айтганда, қонун ҳужжатлари устидан назорат аввало фуқароларнинг, шу жумладан тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Ҳуқуқ устуворлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш тараққиётнинг муҳим омилли бўлибгина қолмай, ҳаётимизнинг янада фаровонлашуви ҳам хизмат қилади.

Жамшид ЎРУНОВ, вилоят прокуратураси қонунчилик ижроси устидан назорат бўлими бошлиғи.

Огоҳлик – давр талаби

Хозирги кунда энг қадрли неъмат – тинчликнинг қадрига етиш, уни асраш кундан-кунга долзарблашиб бораётгани ҳеч кимга сир эмас. Зеро, давр талаби шуни тақозо этмоқда. Бу ҳақда Юртбошимизнинг шундай сўзлари бор: "Бугун биз бошимиздан кечираётган ўта таҳликали ва қалтис замонда, ён-атрофимизда турли хавф-хатарлар кучайиб бораётган бир шароитда энг катта ва бебаҳо бойлигимиз бўлган тинчлик-осойишталикни кўз қорачиқидек сақлаш, миллатлар ва фуқаролар ўртасида дўстлик ва ҳамжихатлик, ўзаро ҳурмат ва меҳр-оқибат муҳитини янада мустаҳкамлаш, доимо хушёр ва огоҳ бўлиб, тинчлик учун курашиб яшаш ҳал қилувчи аҳамиятга эга".

ЧЕГАРАЛАР ДАХЛСИЗЛИГИ – ТИНЧЛИК КАФОЛАТИ

Мана шу эзгу мақсад йўлида Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати чегара қўшинлари вилоят ҳокимлиги ва ички ишлар бошқармаси ҳамкорлигида тузилган режага мувофиқ вилоятимизнинг чегараолди ҳудудларида огоҳликка ундовчи маънавий-маърифий, маданий тадбирлар, илмий-амалий семинарлар ўтказилмоқда. Улардан бири Олмалик шаҳридаги "Металлургия" маданият саройида бўлди. Тадбирда МХХ чегара қўшинлари ҳарбий қисм офицерлари, ҳарбий прокуратура, Олмалик шаҳар ва Пискент тумани ички ишлар бўлими, "Махалла", "Нуроний", "Соғлом авлод учун" жамғармалари ходимлари, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, Қизил Ярм ой жамияти, фермер ҳўжалиги раҳбарлари, чорвадор, боғбон ва деҳқонлар қатнашди. "Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараси тўғрисида"ги Қонунни чегараолди ҳудудларида истикомат қилувчи маҳаллий аҳоли ўртасида тарғиб қилиш ва ҳарбий хизматчилар ҳамда маҳаллий аҳоли ўртасида чегара билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш" мавзусига бағишланган ушбу тадбирда "Давлат чегарасини ноқонуний бузиб ўтишининг олдини олиш", "Чегара ҳудудига фуқароларнинг кириш-чиқиши, меҳнат фаолияти билан шуғулланиши тартиби", "Фуқароларнинг мурожаатлари" каби маърузалар тингланди.

Ҳуқуқ-тартибот органлари томонидан Олмалик, Бўка ва Пискент туманида яшовчи бир гуруҳ уюшган жиноятчилар чегарани бузиб, товар-моддий бойликларни қонунга хилоф равишда ўтказишганда, шунингдек, Э. Нортоев (исм-фамилияси ўзгартрилган) Олмалик шаҳрида Фарход, Баҳром исмли шахслар билан тил бириктириб, икки юзга яқин чорва молларини қўшни республикага ноқонуний олиб ўтаётганда қўлга олингани, қонунбузарнинг қўштирноқ ичидаги "тадбиркорлик" фаолиятига чек қўйилгани таъкидланди.

Тадбир давомида иштирокчиларни қизқитириган саволларга атрофлича жавоб берилди. Шунингдек, "Залолатга туташ йўл" ҳужжатли фильми намойиш этилиб, муҳокама қилинди.

Локайдлик, эътиборсизлик оқибатида чегараолди ҳудудига юз берадиган айрим ноҳуш ҳолатлар, уларнинг олдини олиш бўйича қилинадиган ишлар, бу борада ҳар бир фуқароннинг бурч ва масъулияти алоҳида тушунтирилди.

Сайёра РИХСИЕВА, "Тошкент ҳақиқати" муҳбири.

Вилоят сессиясида

муҳокама қилинган мавзу

ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ВА КЕЛАЖАК

Хусусан, мунтазам дарсларга қатнашмаётган 908 ўқувчининг 405, чет элга чиқиб кетган 392 ўқувчининг 80 нафари таълимга қайтарилган бўлса-да, қолган дарсга мунтазам қатнашмаётган 503, хориждаги 312 ҳамда эрта турмуш қурган 9 ўқувчининг дарсга қайтарилмагани ташвишли ҳол, албатта.

Шунингдек, вояга етмаганлар ўртасидаги ҳуқуқбузарлик ва жиноятчилик ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 156 тадан 212 тага ошгани маълум бўлди. Айниқса, безорилик ва ўғрилик жиноятлари кўпайган.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Бу ҳақда вилоят ҳокимлик соатларида гапирилган эди

ЭСКИ ҲАММОМ, ЭСКИ ТОС

Шу ўринда ҳақли савол туғилади: "Уйлар иссиқлик тизимида уланмаган экан, одамларнинг кириб яшашлари ким рухсат берган? Агар уй расмий ҳужжатлар асосида фойдаланишга топширилган бўлса, нега иссиқлик тизимида ҳалигача уланмаган?"

Шаҳар ҳокимлигида хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари уюшмаси раиси Илҳомжон Топилов билан 5-й уй муаммолари ҳақида кўп баҳслашдик. Охири, шаҳарда яшши ишлаётган ширкатлар ҳам кўплигини айтиб, бирма-бир саянай кетди. Ўзаро келишиб, у мактаган "Мақсад" хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатидаги аҳволни кўз

(Давоми. Боши 1-бетда).



дан кечирадиган бўлди. Бу ширкатга Хушвақт Бердиев раислик қилаётган экан. 2001 йилда ташкил этилган ширкатдаги 14 та кўп қаватли уйларнинг 414 та хонадониди 856 аҳоли яшар экан. 2014 йилдан буён қилинган ишларни обдон гапириб берди. Ҳақиқатан ҳам 8-уйнинг 7-хонадониди яшовчи Патилахон Ҳасанова ширкат хизматидан мамнунлиги, кириш йўлаклар таъмирлангани, томдан чакка ўтмаслигини айтди.

Буни эшитиб, хурсанд бўлди. Лекин, 10-уйнинг 1-хонадониди яшовчи 73 ёшли Тамара Тайбулатова ширкат фаолиятига бошқача баҳо берди. Унинг гапларига қараганда, иситиш тизими ишламайди, иссиқ



сув гоҳ келиб, гоҳ йўқолиб қолади, агар "юқоридан текширув бўлади" деган гап чикса, текширувдан икки кун олдин иссиқ сув пайдо бўлади, бир ҳафтадан сўнг эса яна "эски ҳаммом, эски тос".

Ана сизга намунали ширкатнинг аҳволи.

Даврон АХМЕДОВ, "Тошкент ҳақиқати" муҳбири.

Форум

Тошкентда мустақиллигимизнинг 24 йиллиги ҳамда Конституциямиз қабул қилинганлигининг 23 йиллигига бағишлаб "Янги давр, янги аҳамият ижтимоий муносабатлар – оммавий ахборот воситаларининг долзарб вазифалари" мавзусида "Ўзбекистон матбуоти" V Миллий форуми бўлиб ўтди.

МИЛЛИЙ МЕДИА СОҲА РИВОЖИ

Анъанавий тус олган мазкур нуфузли тадбир Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликлари қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Фуқаролик жамияти шаклланишининг муҳим шартли бўлган нодавлат оммавий ахборот воситалари ҳаётимизга чуқур кириб бораётганининг амалий тасдиғидир.

Бугунги ахборот-коммуникациялар асрида мамлакатимизда интернет журналистикаси ҳам жадвал ривожланмоқда. Кейинги 5 йилнинг ўзидида оммавий ахборот воситаси сифатида рўйхатдан ўтган веб-сайтларнинг сони 400 дан ошиб кетгани юртимиз миллий ахборот маконининг мазмуни ва манзарасини тубдан ўзгартиришга хизмат қилади.

Форум иштирокчилари, демократик ислохотлар очилишини таъминлашда, ҳолис ахборотларни кенг оммага етказишда оммавий ахборот воситалари ҳамда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ўзаро ҳамкорлигини янада ошириш зарурлиги, шунингдек, миллий медиа соҳаси ва журналистлар олдида турган бир қатор муҳим вазифаларни атрофлича муҳокама қилдилар.

"Туркистон-пресс".

Жараён

АСАР ТАҚДИМОТИГА БАҒИШЛАНДИ

Тошкент Давлат аграр университетда республика Президентининг "Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажига йўлида хизмат қилиш — энг олий саодатдир" номли китобининг тақдими бўлиб ўтди.

Республика Маънавият-тарғибот маркази вилоят бўлими ҳамда университет ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда профессор-ўқитувчилар, талабалар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди. Тадбирда сўзга чиққанлар мазкур асар маз-



мунини, ундаги концептуал аҳамиятга эга ғоя ва фикр-мулоҳазалар ҳақида талабаларга атрофлича маълумот берди. Маъруза давомида келтирил-

ган кўплаб маълумот ва далиллар ҳеч кимни бекор қолдирмади.

Нозима АРСЛОНОВА,
Мансур НАХЛОНОВ
олган сурат.

Сўнгги йилларда чекка кишлоқларда ҳам янги тиббиёт муассасалари барпо этилиб, замонавий асбоб-ускуна ва жиҳозлар билан таъминланаётгани аҳоли саломатлиги мустаҳкамлашига хизмат қилаяпти. Шунингдек, юртимизда мунтазам ўтказилаётган турли тадбирлар ҳам яхши самара бераётир.

СОҒЛОМ ТУРМУШ КАФОЛАТИ

Жумладан, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг туғиш ёшидаги аёллар, болалар ва ўсимир кизларни соғломлаштириш ҳафталигини ташкил этишга оид буйруғи асосида Саломатлик ва тиббий статистика институти вилоят филиали, вилоят ОИТСга қарши курашиш маркази, вилоят силга қарши курашиш диспансери ва вилоят ДСЭНМ ходимлари ҳам-

корлигида ташкиллаштирилган ҳафталик Зангиота тумани тиббиёт бирлашмасида, шунингдек, маиший хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежи, "Тинчлик" кишлоқ врачлик пунктида бўлиб ўтди. "Соғлом турмуш тамоиллари" мавзусидаги тадбирда маҳалла маслаҳатчилари ва фаоллар, касб-хунар коллежлари ўқитувчи ҳамда ўқувчилари иштирок этди. Сўз

олганлар, тўғри овқатла-ниш, гигиена қоидалари-га риоя қилиш, касаллик-ларнинг профилактикаси каби иллатлардан сақланиш, инсон сало-матлигининг кафолати эканини қайд этдилар. Шундай ҳафталик Қиб-рай туманида ҳам ўтқа-зилди.

Орзухон ЛАТИПОВА,
вилоят Саломатлик ва
тиббий статистика
институти мутахассиси.

НАМУНАЛИ ТИББИЙ ХИЗМАТ

Зангиота туманидаги 1-Келес по-ликлиникасининг 21 шифокор ва 40 ҳамшираси олий тоифали шифокор

Доно Пўлатова раҳбарлигида 8 та маҳалладаги 23 мингдан зиёд аҳолига тиббий хизмат кўрсатмоқда.

Маҳалла фуқаролар йиғинлари билан ҳамкор-лик яхши йўлга қўйилган, — дейди бош шифокор. Патронаж ҳамшира-ларимиз маҳалла маслаҳат-чилари билан бирга она-лар, болалар, ўсимирлар, хўйилдорлар ва кекса-

лар соғлиғини мунтазам раҳбардор бўлиб тури-шибди. Жумладан, "Кек-саларни эъозлаш йили" Давлат дастури доираси-да 60 ёшдан ошган 1670 қария чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтқа-зилди. Шулардан 110

нафари шифохонада да-воланди. Меҳнат фахрий-ларидан 43 нафари сана-торий, 6 нафари республи-ка шифохоналарига юборилди.

Нозима РАСУЛОВА,
Даврон АХМАД
олган сурат.



ҚАЙТА ТЕНДЕР САВДОЛАРИДА ИШТИРОК ЭТИШГА ТАКЛИФ

Тендер эълон қилинган сана	18.11.2015 йил
Дастур	"Кишлоқларни комплекс ривожлантириш учун намунавий уй-жой қуриш Дастури"
Шартнома	Шартномалар рўйхатида мос
Номланиши	Шартномалар рўйхатида мос
Тендер тақлифларини тақдим этиш учун сўнгги муддат	Эълон берилган кундан 15 кундан сўнг

1. Тендер иштирокчилари қуйи-да санаб ўтилган ҳар бир тен-дер пакетлари учун муҳрланган тан-лов тақлифларини киритишлари мумкин.

2. "Кишлоқ қурилиш инвест" МЧЖ ИК ("Буюртмачи") ҳуқуқий ва-колатга эга бўлган тендер ишти-рокчиларини қуйида келтирилган шартномалар бўйича яқка тартиб-даги уй-жойлар қурилишини амал-га ошириш учун ("Қурилиш ишла-ри") муҳрланган танлов тақлифла-рини киритишларини тақлиф қила-ди.

3. Тендер иштирокчилари қўшим-ча маълумот олиш ва тендер ҳуж-жатлари билан танишиш учун қури-лашда танлов савдолари ва нарх-ларини шакллантириш Тошкент ви-лояти ҳудудий консалтинг маркази-га қуйида кўрсатилган манзил бўйи-ча мурожаат қилишлари мумкин: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 18-уй. Телефон (факс): 241-15-26, 241-15-32.

4. Тендер ҳужжатларининг рус тилидаги нусхасини олиш учун тен-дер иштирокчилари қуйидаги тар-тибда юқорида кўрсатилган манзил

бўйича мурожаат қилишлари мум-кин: _____ вилояти, _____ тумани, _____ маҳал-лидаги _____ йўлга _____ та яқка тартиб-даги уй-жойлар қурилишини амалга ошириш учун тендер ҳужжатларини беришигизни сўрайман" шаклида юқоридаги манзилларга ёзма ёки электрон шаклда мурожаат қилиш лозим.

"Тендер ҳужжатлари эълон бе-рилган кундан бошлаб барча ишти-рокчилар учун очик бўлади.

"Бир тўплан танлов ҳужжатлари учун кейинчалик қайтариб берилмай-диган 85000 сўм миқдордаги пул тўлови тендер ташкилотчиси (қури-лашда танлов савдолари ва нарх-ларини шакллантириш Тошкент ви-лояти ҳудудий консалтинг маркази)-нинг банкдаги ҳисоб рақамига ўтқа-зишлари лозим. Қуйида унинг банк ҳисоб рақамлари келтирилган: СТИР 300017720, ОКОНХ 84500, х/р: 20210000204546027001, АТ "Turon" банк МАБ, МФО 00446.

5. Тендер ҳужжатлари қуйидаги тартибда тақдим этилиши лозим: "Юқорида кўрсатиб ўтилган Тош-

кент вилояти ҳудудий консалтинг марказига.

"Тақлифларни тақдим этиш сўнгги муддатигача: шартномалар рўйхатида кўрсатиб ўтилган вақтга-ча.

"Тендер ҳужжатларидан кўрсатил-ган тартибда Декларация тақдим этиш.

Тендер тақлифларининг очилиши кунинда тендер савдоларида қатна-шиш истагини билдирган барча та-шкилотлар иштирокида Тошкент ви-лояти ҳокимлиги биносида қуйида келтирилган манзилда ўтказилади: Тошкент шаҳри, Мовароуннаҳр кўча-си, 17-уй. Тел (факс): 232-80-98.

Қўшимча маълумотлар учун "Кишлоқ қурилиш инвест" МЧЖ ИКнинг қуйида келтирилган ҳудудий филиалларига мурожаат қилишлари мумкин: Тошкент вилояти филиали: Тошкент шаҳри, У.Носир-53-В. Тел.: (8371) 253-37-28.

6. Тендер савдоларида қатнашиш истагини билдирган тақлифлар йўғам (қурилишдаги йиллик ўртача айланма маблағ) талабларига жавоб беришлари лозим.

Лотнинг уй соми	Талаб этилган йўғам (сўм)	Хуриликдаги малакани (а) ўқиман ҳам ва харақатлари шартнома (сўм)	Хуриликдаги малакани (б) ўқиман ҳам ва харақатлари шартнома		
			Бир йил давомида бажариладиган ер ишлари ҳажми м³	Сўғитиш учун йилда бажариладиган бетон ишлари м³	Сўғитиш учун йилда қуриб бетириладиган уйлар майдони м²
12	2 160 000 000	1 728 000 000	360	600	1 440

Шартномалар рўйхати (лотлар)					
Лот №	Вилоят	Туман	Масив	Лотнинг уй соми	Тақлифларни тақдим этиш тартиби
340	Тошкент	Қибрай	Мехнат	12	2015 йил 3 декабрь соат 10:00
341	Тошкент	Қибрай	Мехнат	12	2015 йил 3 декабрь соат 10:00
Жами				24	

ЭЪЛОНЛАР

Тошкент вилояти «Матбуот тарқатуви» шўъба корхонасида Республика ҳамда Маҳаллий наشرларга 2016 йил обунаси мавсуми давом этмоқда.

Вилоятнинг барча туманларида филиаллар мавжуд.

Вилоят обунаси бўлими: 0-371-233-13-04

Ангрэн шаҳар филиали: +998946546638

Бекобод шаҳар филиали: +998903508872

Бекобод туман филиали: +998901674327

Бўстонлиқ туман филиали: +998949308045

Зангиота туман филиали: +998909764793

Олмалик шаҳар филиали: +998917883393

Охангумар туман филиали: +998935082299

Урта Чирчиқ туман филиали: 0-370-76-21-476

Чирчиқ туман филиали: 0-370-59-31-331

Чирчиқ шаҳар филиали: +998955159677

Чирчиқ шаҳар филиали: +998901259907

Юқори Чирчиқ туман филиали: +998901684678

Пискент туман филиали: +998936197733

Қибрай туман филиали: +998936138316

Янгийул туман филиали: 0-370-60-22-034

Паркент туман филиали: +998942152173

Паркент туман филиали: +998901684678

ОБУНАГА ҚУМАКЧИ — МАТБУОТ ТАРҚАТУВИ

Гувоҳнома № 000690

«КО'Р ТАРМОҚЛИ КО'СНМАС МУЛК САВДО» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич охири тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига тақлиф этилади!

Тасдиқловчи баҳоси босқичма-босқич охири тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига тақлиф этилади!

Тасдиқловчи баҳоси босқичма-босқич охири тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига тақлиф этилади!

Тасдиқловчи баҳоси босқичма-босқич охири тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига тақлиф этилади!

Тасдиқловчи баҳоси босқичма-босқич охири тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига тақлиф этилади!

Тасдиқловчи баҳоси босқичма-босқич охири тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига тақлиф этилади!

Тасдиқловчи баҳоси босқичма-босқич охири тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига тақлиф этилади!

Тасдиқловчи баҳоси босқичма-босқич охири тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига тақлиф этилади!

«REAL AUCTION» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич охири тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига тақлиф этилади!

Тасдиқловчи баҳоси босқичма-босқич охири тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига тақлиф этилади!

Тасдиқловчи баҳоси босқичма-босқич охири тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига тақлиф этилади!

Тасдиқловчи баҳоси босқичма-босқич охири тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига тақлиф этилади!

Тасдиқловчи баҳоси босқичма-босқич охири тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига тақлиф этилади!

Тасдиқловчи баҳоси босқичма-босқич охири тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига тақлиф этилади!

Тасдиқловчи баҳоси босқичма-босқич охири тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига тақлиф этилади!

Тасдиқловчи баҳоси босқичма-босқич охири тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига тақлиф этилади!

Тошкент вилояти прокуратураси жамоаси Урта Чир-чиқ тумани прокурови Тўлқин Рустамовга волидаи мух-тарамаси

Гулошда яя АБДИЕВАНING вафоти муносабати билан чуқур таъзия изхор этади.

Ёш истеъдодлар

ХАЛҚАРО ТАНЛОВЛАР СОВРИНДОРИ

Чирчиқлик ёш мусиқашунос Ахрорбек Улуғбековда мусиқага қизиқиш жуда эрта уйғонди. Шаҳардаги 26-мактабнинг 1-синфига қабул қилинганидаёқ, боладаги ноёб истеъдоди сезган мусиқа ўқитувчиси уни мактабдаги тадбирларга жалб эта бошлади. Мусиқага қизиқишини кўрган ота-онаси мураббийи билан маслаҳатлашиб, Ахрорбекни 9 ёшида шаҳардаги 15-Болалар мусиқа ва санъат мактабига олиб боришди. Кириш имтиҳонидан муваффақиятли ўтиб, қашқар рубоби чоғуси бўйича олий тоифали ўқитувчи А. Тўлагановдан сабоқ ола бошлади. Мактаб ва шаҳарда ўтказиладиган байрамларда ўз сози билан иштирок этди. 2004 йилда пойтахтдаги республика мусиқа коллежига ўқишга кирди. Бу ерда ўзбек халқ чоғуларига кафедраси муdiri С. Каримов қўлида афғон рубоби мутахассислиги бўйича тахсил олиб, 2007 йили коллежни муваффақиятли тамомлаб, ўзи ilk бор мусиқа сирларини ўрганган Чирчиқдаги 15-Болалар мусиқа ва санъат мактабига ўқитувчилик фаолиятини бошлади.

2008 йилда унинг саъй-ҳаракати билан мактабнинг иқтидорли ўқувчиларидан "Истеъдод" ёш ижрочилар ансамбли тuzилди. Ўзига хос ижро услубига эга ансамблнинг довуғи тез ёйилди. "Истеъдод" чилар халқимизнинг мумтоз мусикаларининг на эмас, жажон классик асарларини ҳам ўзбек халқ чоғуларига мослаштириб, маҳорат билан ижро эта бошлади. Шаҳар, вилоят ва республика миқёсидаги тадбир ва кўрик-танловларда иштирок этган бадиий жамоанинг миллий руҳдаги гўзал куй-оханг-

лари "Наврўз садолари" V Республика миллий чоғуларига кўп овозли ансамбль ва оркестрлар фестивалида II даражали диплом билан тақдирланди. Ахрорбек Улуғбеков билимини янада ошириш ва мустахкамлаш мақсадида 2012 йилда Тошкент Давлат педагогика университетида санъат факультетига ўқишга кирди. Тинимсиз излашни ва устозларидан олган сабоқлари бесамар кетмади. 2013 йилнинг июнь ойида Россия Федерациясининг Санкт-Петербург шаҳрида бўлиб ўтган "Қизил ел-

канлар оханглари" ёшлар халқаро ижодий танлов-фестивалида эстрада хонандалиги йўналиши бўйича иштирок этиб, фахрли 2-уринни кўлга киритди ва лауреатлик дипломи билан тақдирланди. Мен учун 2014 йил янада омадли келди, дейди Ахрорбек. – Шу йили "Baltic Voyage" (Болтикбўйига саёхат) йирик халқаро танловда хонандалик йўналиши бўйича иштирок этиб, 1-уринни кўлга киритдим. Айниқса, Америка, Швеция, Латвия, Руминия, Польша каби 50 дан ортиқ давлатдан



иштирокчилар қатнашган танловда миллий санъатимиз намуналари ва мумтоз куйларни ижро этганимизда уларнинг кўзларидagi ҳайратни кўриб, ўзимни ниятда бахтиёр ҳис қилдим. Изланган кам бўлмади, дейишади. Ёш санъаткор 2015 йил июнь ойида Туркияда бўлиб ўтган яна бир катта хал-

қаро танловда мусиқа йўналиши бўйича 1-уринга сазовор бўлди. А. Улуғбековдан сабоқ олаётган ўқувчилар Шерзод Тошматов, Фаёз Хайтмухаммадов, Шукур Халилов, Давлат Тўлибоев, Мироз Миржалилов ва Равшан Сабриддинов ҳам 2013-2015 йилларда болалар мусиқа ва санъат мактаблари ўқувчиларининг Муҳиддин Кори

Ёкубов номидаги республика танлови ҳамда қатор хорижий давлатларда бўлиб ўтган халқаро танловларда халқ чоғу йўналиши бўйича совриндорликни кўлга киритишди. Юлдузхон МУХИДДИНОВА, "Тошкент ҳақиқати" мухбири. Даврон АХМАД олган сурат.

Кўргазма

Ўзбекистон Тасвирий санъат галереясида Бадиий академия академиги, расом Марат Содиқовнинг "Мангуликдаги лаҳза" номли кўргазмаси очилди.

МАНГУЛИККА ДАХЛДОР ЛАҲЗАЛАР

Таникли ижодкорнинг акварель усулида чизилган 100 дан ортиқ асарлари намойишга қўйилган. Экспозициядан жой олган қатор расмлар орасидаги "Сўқок" туркумига кирувчи, "Ховли. Табиат", "Ўйга қўмиш", "Айрилишда", "Тун" каби асарлар муҳлис-ларни бефарқ қолдирмайди. Кўргазманинг очи-лиш маросимида ташкил этилган давра суҳба-тида таъкидланганидек, бу каби мураккаб акварель техникасида ишловчи расомдан жуда катта маҳорат талаб этилади. "Ўзингни топмагунингга

қада-р излан" фикридан келиб чиқиб, турли жанр ва техникаларни синаб кўрган расом бугун ўз йўлини топган. М. Со-диқов Тошкент театр ва расомлик ин-ститутида тахсил олди. 1979 йилдан республика ва халқаро кўргазмалар қатнашчиси. Асарлари мамлакатимиздаги, шунингдек, хориждаги му-зей ва галереялардан, шахсий коллекциялар-дан ўрин олган. Хориж ва юртимизда шахсий ва оилавий кўргазмалари ташкил қилинган. Кўргазма намойиши 6 декабрдан давом этади. Ҳасан АБДУНАЗАРОВ.



Бу – қизиқ

- Ҳар кун 10 тонна космик чанг Ер юзига келиб тушади.
- Узумни микротўлқинли печга қўйсангиз портлар экан.
- Сигирни зина бўйлаб тепага олиб чиқишингиз мумкин, лекин пастга эмас.
- Коинотда 100 миллиарддан ортиқ галактикалар бор.
- Дельфинлар бир кўзи очик ҳолатда ухлашади.
- Энг катта сут эмизувчи ҳайвон кўк китдир. Унинг оғирлиги 150 тонна, узунлиги 30 метр. Бир кеча кундузда 2-4 тонна озукани лаққос туширади. Энг қизиги, кўк китнинг тишлари бўлмайди, у фақат планктонлар билан озикланади.
- Энг катта дарахт Сейшел оролида ўсувчи пальма бўлиб, ёнғоклари 13-25 килограмм атрофида.
- Энг кичкина гул вольфгангнинг диаметри 1 миллиметр, тахминан тўнғичининг учидай келади.

Кўзгудаги ўзимиз

МАҲАЛЛАНИНГ ВИЖДОНИ

Кўпчилик ёқтириб қолган "Суюнчи" фильмида эътиборли бир эпизод бор. Маҳалладошларидан бири Анзират буювни "қишлоғимизнинг виждони эди", деб алқайди. Ҳар гал шуни эслаганимизда Нажим ота ҳаёлимиздан ўтади. Маҳалламиздаги тўй-маърака усиз ўтмасди. Йигинларни ҳар бир оиланинг имконига қараб, ихчамгина қилиб ўтказиб берарди. Маслаҳатга келганларга:

– Тўй бир кунда ўтади-кетди, шугинани деб тўй эгаси икки бармоғини бурнига тикиб қолмаслиги керак, – дерди. – Асосийси – ёшлар бахтли бўлиб кетса бас.

Кўпчилик: "Ўзингиз бош-қош бўлиб, ўтказиб берасиз-да", деб Нажим отани тўйга айтди. Оилавий моҳаро ва кўйди-чиқдилар ҳам отанинг аралашуви билан "яраш-яраш" бўларди.

Нажим отанинг яна бир хислати бор эди. Бутун маҳалланинг отахони бўлса-да, фуқаролар йиғини раиси ёки фаоллар бирор ишни илтимос қилишса, кўли қўсида бўлиб, вақтида қўйилла-тиб бажарарди-ю, аммо керилмасди. Бир йили отанинг бо-



шига мусибат тушди. Кўчада ўйнаб юрган на-бирасини юк машинаси уриб кетиб, бола нобуд бўлди. Отанинг ўша вақт-даги ҳолатини кўрсангиз: басавлат бу одам назаримда кичрайиб кетган-дек эди.

Ҳожа содир бўлган жойга тумонат одам йи-гилди. Ёшгина ҳайдовчи йигит атрофга мўлтирар, ранги бўздек оқариб кет-ганди. Нажим ота наби-расини даст кўтариб, уйига олиб кириб кетди. Қайтиб чиқиб, гуноҳкор ҳайдовчига бошдан-оёқ рази солди-да, ҳаммага эшиттириб:

– Сенга даъвоимиз йўқ, кетавер, – деди. Ҳайдовчини ур-қалтак қилишга тайёр турган кишилар ҳайратдан ёқа ушлаб, аста-секин тарқалишди. Айтишларича, ўша ҳайдовчи икки кундан сўнг Нажим отага бо-ланинг маъракаларини ўтказиш учун анчагина пул келтирган экан, ота:

– Нима, набирасининг ўлигини сотади деб ўйла-дигми? Ота-онангни та-ниганимга шуқр қил! Қариган чоғларидан... Ота алдам-қалдами ҳам ёқтирмасди. Ўша

вақтларда маҳалла гуза-ри ҳамда хилхонасида тез-тез ҳашар уюштириб туриларди. Кимдир кет-мон, аллаким белкуррак кўтариб чиқар, маҳалла оқсоқоллари ва фаолла-ри, ҳатто Нажим отанинг ўзи ҳам астойдил ишлаб, бошқаларга ибрат бўли-шарди. Ишдан қочган, дангасаларни ота хушла-масди.

– Қачонгача у нарс-а қилинмади, бун қилиб бер, деб турли идоралар-га бош урамиз. Мана, маҳаллада шунча кўч бор, бир-икки кунга бирор еримиз қамайиб қолмай-ди. Ишлаш керак, – дер-ди ота.

Кейин ёшларга қараб: – Уч-тўрт йил ўтгач, қиз чиқариб, ўғил уйлантира-сизлар. Келган совчилар маҳалламиздаги аҳили-ноқлиги орасталикни кўриб, ҳавас қилсин, – деб ҳаммани эшигининг тагини табиати қилиб қўйишга ундарди.

Кейинроқ ўйлаб кўр-сам, ўша вақтда Нажим ота ҳақиқатан ҳам маҳал-ламизнинг виждони экан. Отани яхши таниганлар у қилган ишларни ҳали-хануз оғизларидан бол томиб, гапириб юриша-ди.

Неъмат РАФИКОВ.

Жинойтга жазо муқаррар

Бекободлик Нарзулла Қа-ров қирчиллама қирқ ёшга етиб ҳам фарзандларига ота-лик ибратини кўрсатолмаган кимсга айланганини ўзи ҳам билмай қолди. Нима бўлди-ю, чет элга бориб ишлаб келиш фикрига тушди. Тайинли би-рор иш билан шуғулланишга бўйни ёр бермай қолган Нар-зулла бир-икки таниш ошна-оғайнилари билан Татарис-тоннинг Қозон шаҳрига отлан-ди.

У ерда мўмайгина пул беради-ган ҳомийлар борлигидан қувон-ди. Аммо, бу "жиход" номли қабоҳат тузоғига қўйилган намак эканини кеч англаб етди. Балки, кўнгли олиндидаги хавфин сезган-дир ҳам. Аммо, билиб-билмай кириб қолган ғараз ниетли тўда-дан чиқишининг энди иложи йўқли-гини фаҳмлаган Нарзулла улар-нинг топишқирларини кўр-кўро-на бажаришга мажбур эди. Акс ҳолда... Чунки, у 1995 йилдаёқ мустақиллик душманлари таъси-

САРОБГА СОВУРИЛГАН УМРЛАР

рига тушиб, устози Тоҳир Абдул-лаевдан "жиходчилар" диний-экстремистик оқими бўйича таъ-лим ола бошлаган эди. Афсус, ол-ган сохта билимлари уни камол-отга эмас, разолатга йўллади. Унинг вазифаси етарли диний илмга эга бўлмаган ёшларни "жи-ходчилар" деб номланган диний-экстремистик оқим фаолиятига жалб этиш, оқим раҳнамолари-нинг ислом учун ёт бўлган ақида-парастлик гоёлари билан йўғрил-ган "жиход", "хижрат" мавзула-ридаги маъруза ва видеоролик-ларини намойиш этиш эди. Шу йўл билан иродаси суст ёшларни тўғри йўлдан тойдириб, уруш бўлаётган мамлакатларга ҳижрат қилишга даъват этаётган Н. Қа-ров анча-мунча маслақдошлар орттириб, ўзи тузган диний жа-моат ёрдамида "Ҳазрати мулло" жоме масжидига имом ноиб этиб тайинлангани эса ўз фаолиятини

янада кенг қамровда олиб бори-шига йўл очган эди. У чет элда юриб ҳам ватандошларини ёлгон ваъдалар билан хиёнаткорона фа-олиятига шерик қилди. Аслида Н. Қаҳаров ўзи кетаёт-ган манзил сароб, кўзлаган мақ-сади ҳам эл-юрт нафратига учра-ган тубанлик эканини жуда яхши идрок этган. Негаки, жангу жа-даллар давом этаётган мамлакат-лар, айниқса Суриядаги қонли тўқнашувлар шундай қабоҳат раҳ-намоларининг қилмиши эканини тушунамслиги мумкин эмас эди. Унинг бу қилмиши мамлакатимиз тинчлиги, эркин ва озо-д ҳаётини кўролмаётган, жон-ҳаҳди билан ғаразли мафкуравий хуружларни амалга ошираётган диний экстре-мистлар, ақидапарастлар, аввало ёшларимиз оғайни заҳарлашга уринаётган гоёвий душманлари-мизнинг муро-д хосил бўлишига кўмак экани билан ҳам хавфли-

дир. Бун кеч бўлсада тушуниб, хатоларини, гуноҳларини тан ол-ган Нарзулла Қозон шаҳридаги жиний шериклари Илҳом Ҳай-даров, Назиржон Абдуллаев, Ма-маджон Иннамиддинов билан биргаликдаги фаолиятини батаф-сил сўзлаб берди. У кирдиқорла-ри ҳақида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ўз вақтида хабар беришга қўрққанини ҳам айтиб ўтди...

Ҳақиқатан ҳам ҳаётда хато қил-маган, бирор марта бўлса ҳам қўқилмаган инсон камдан-кам то-пилади. Қачонки, билмай, тушу-май, шу йўлга кириб қолган бўлса... Аммо, йиллар давомида бузғунчилар қутқусига учиб, вай-ронкор гоёларни одамлар, айниқ-са, ёшлар онгига тикиштиришга ҳаракат қилганларни ке-чириб бўладими? Ахир фитна ҳар кан-дай қотилликдан ҳам оғир гуноҳ экани Ҳадисларда ҳам ёзиб

қўйилган-ку! Зеро, битта фитна ортидан қанча-қанча одамларнинг тинчи бузилиб, умри завол топа-ди! Халқимизда "тузини ичиб, туз-лигига тупуриш" деган ибора бе-жиз қўлланмайди. Халқ тинчли-гини бузиб, ҳаётига тажовуз қилувчи, ёт гоёларни тарғиб эту-вчиларга нисбатан бундан бошқа таъриф бериш қийин. Лекин, адо-латпарвар, инсонпарварлик та-момийллари устувор давлатимиз сиёсатида, кечиримлилик, бағри-кеңлилик деган хосияти тушунча-лар қадрланади. Зеро, "Эгилган бошни қилич қесмайди". Н. Қа-ров ҳам ўз хатоларини тан олиб, айбига иқдор бўлгани, 2 фарзан-ди борлиги, яшаш жойидан бе-рилган ижобий тавсифнома эти-борга олиниб, нисбатан енгиллик берилди ва 3 йил муддатга озод-ликдан маҳрум этилди.

Хулқар ХОТАМОВА.



ТЕМИР ЙЎЛДА ҲАРАКАТ ТЎХТАБ ҚОЛДИ

Япониянинг Кобе шаҳри яқинида поезд тўсатдан тўхтаб қолгани сабабли беш мингга яқин йўловчи темир йўл бўйлаб пиёда кетишга мажбур бўлди.

NHK телекомпанияси тарқатган хабарда айтилишича, поезднинг бемаврид тўхтаб қолишига электр сими-нинг узилгани сабаб бўлган. Телеканал эфирга узатган тасвир-да электр сими таъси-рида айрим вагонлар-нинг куйган жойлари яққол кўринди. Бироқ, йўловчилар жабрлангани хусуси-да маълумот тарқатилмади. Ходиса сабабларини ўрганиш билан бир вақтда поездлар ҳаракатини тезда қайта тик-лаш чоралари кўриломқда.

ПОЕЗД ҲАЛОКАТГА УЧРАДИ

Франциянинг шарқидаги Страсбург шаҳри яқини-да тезюрар поезд издан чиқиб кетгани оқибатида камида 10 киши қурбон бўлди.

Франс-пресс агент-лиги маҳаллий ҳокими-ят маълумотларига та-яниб тарқатган хабарда айтилишича, TGV ком-паниясига қарашли поезд Париж – Страс-бург оралиғидаги юқо-ри тезликка мўлжал-ланган янги темир йўл-да тахриба-синов тадбирини ўтказётган пайтда Герма-нияга яқинроқ чегарада издан чиқиб кетди. Маҳаллий ҳукуматнинг баёнотида келтирилишича, 37 киши турли даражада жароҳат олди, 5 киши бедарак йўқолди.

Илгари тарқатилган хабарда таъкидланишича, поезд кўприкдан ўтаётиб каналга қулаб тушган ва вагонларда ёнгин чиққан. Жабрланганлар вертолётда шифохонага келтирилган. Дастлабки тахминларга кўра, поезднинг ҳалокатида тезликнинг меёридан оширилгани сабаб бўлган.

ХИТОЙДА ЕР КЎЧКИСИ

Мамлакат шарқидаги Чжэцзян вилояти Лишуй қишлоғида тунда юз берган ер кўчкиси қурбонлари 21 кишига етди, деб хабар тарқатди Associated Press агентлиги.

Табиий офат оқба-тида маҳаллий аҳоли-дан яна 16 киши беда-рак йўқолди. Маълум қилинишича, 30 га яқин уй кўчки остида қолган. Шунингдек, 20 дан зиёд уйлари сув босган. Кўчки оқба-тарини бартараф этиш учун махсус қўтқарув хизмати ходимлари ҳамда Хитойнинг халқ озодлик армия-си ҳарбий хизматчилари ва полициячилардан иборат 2300 киши, шунингдек, 60 та махсус техника воситалари са-фарбар қилиниб, қидирув-қутқарув ишлари давом этти-рилмоқда.

ТУНГИ КЛУБДА УР-ЙИҚИТ



Мальтадаги кўнгилочар клублардан бирида фав-куллода юз берган оммавий ур-йиқит сабабли 70 дан зиёд киши турли даражада тан жароҳати олди.

Соғлиқни сақлаш ва-зирлиги шу ҳафта тар-қатган хабарда айтили-шича, терговчилар ур-йиқит нима сабабдан юз берганини аниқ-лашга киришганлар. Уларнинг фикрига кўра, фавкуллода ҳолатга клубда нафасни бўғув-чи газ тарқалгани са-баб бўлган. Чунки кўнгилочар тадбир қатнашчиларининг кўпчилиги нафас олиш қийинлашётганидан шикоят қилишган.

Times of Malta газетасининг ёзишича, кузатиш каме-раларининг видеотасвирида одамлар зина орқали бино-ни тезда тарқ этишга уринаётган чоғида зинанинг шиша тутқичи синиб, саросима бошланган.

Ушбу воқеа Мальтанинг "тунги пойтахти" – Пачевил туманида кейинги вақтларда юз берган энг йирик ҳало-кат бўлди.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис:

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир

Убайдулла
АБДУШОҲИДОВ

Маълумоти:

100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар
кўчаси, 32.

Электрон почта:
thaqiqat@umail.uz

Телефонлар:

Қабулхона:
233-64-95, 233-55-39,
233-58-85 (факс).
Бўлим муҳаррирлари ва
мухбирлар:
233-38-23, 233-48-08.
Шартнома ва эълонлар:
233-56-03, 233-65-59.
Хисоб-китоб бўлими:
233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва
ахборот-бoshқармасида 2011 йил
12 январда 03-001 рақами билан
рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати»
таҳририяти компьютер марказида
терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир
Сайёра РИХСИЕВА

Навбатчи
Бектош ИСМОИЛОВ

Саҳифаловчи
Тоҳир МАҲМУДУҲҲАЕВ